

Qadriyatlarining boqiy bo'lsin, Navro'z!

Tilda, fikrda, ishda birlik!

جدید

2025-yil 21-mart

№ 12(64)

www.jadid.uz



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ТАШРИФ

ОБОД МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Давлатимиз раҳбари Юнусобод туманида барпо этилган "High Town City" мажмуасига ташриф буюрди. Мажмуа кенг камровли бўлиб, савдо ва кўнгилочар маркази, бизнес маркази, меҳмонхона ва замонавий турар жойларни ўз ичига олган. Бунга 510 миллион доллар тўлиқ хорижий инвестиция йўналтирилган. 4 қаватли бинода савдо дўконлари, жумладан, машҳур брендларнинг шохобчалари очилган. Ресторан ва кафелар, кўнгилочар ўйингоҳлар, спорт майдонлари, кинотеатрлар эл хизматида. Ер остида автотураргоҳ бор.

Савдо марказида шинам китоб дўкони ҳам очилган. Шавкат Мирзиёев бу ташаббусни олқишлаб, метро бекатлари, кутиш жойларида ҳам мўъжаз китоб дўконлари ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, Тошкент метрополитенини Тошкент трактор заводи даҳасигача олиб бориш режалаштирилган. Шунга мувофиқ тайёрланган янги лойиҳага кўра, Буюк ипак йўли метросидан Тошкент трактор заводи даҳасигача 10 та бекат қурилади. Бу тармоқ 30 та маҳалла, 148 минг аҳолини қамраб олади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Бектемир туманига ҳам ташриф буюриб, Йикота маҳалласидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди.

Бу ердаги 37 та кўп қаватли уй ва 1 минг 400 та ховлида 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда маҳаллабай амалга оширилаётган манзилли ишлар Йикотада ҳам ўз натижасини бермоқда. Янги кўп қаватли уйлар қурилган. Йўлаклар ва ички кўчалар таъмирланган. Майдончаларга гул ва майсалар экилган.

"Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт" йиллида кўчат экиб, яшиллик яратиш кўлами кенгайди. Пойтахтимизнинг Бектемир туманида яна бир боғга асос солинди.

Президентимиз давлат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ерда кўчат экди. Йикота, Мажнунтол, Зилола, Роҳат ва Иқбол маҳаллалари орасидаги бу ҳудуд аввал қаровсиз


Президент Шавкат Мирзиёев 20 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.



жой эди. Элнинг бирлиги билан яна бир яшил макон, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган парк пайдо бўлмоқда. Уч гектарлик ҳудудга ўрмон концепцияси асосида уч минг туп даракт ва бута кўчатлари экилди. Уларнинг суғорилиши ва парваришига масъуллар бириктирилди.

Маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакилларига ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди. Барчани кириб келаётган Наврўз байрами билан табриқлади.

Президент фармойиши билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида маҳаллаларда дех-



қончилик ва ободонлаштириш ишлари сафарбарлик билан олиб борилаётган.

Баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, суғоришни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Янги боғда экилган кўчатлар ана шу эзгу амалнинг давоми бўлди.

ЎЗА

21 МАРТ - АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУД ТОЛГАН КҮН

"МАНА, БУГУН НАВРЎЗИ ОЛАМ..."

Наврўз айёмида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллуд толган.

Шу муносабат ила азиз устозимизнинг рафиқаси Ҳанифа ая билан дилдан суҳбат қилдик... Улуғ шоиримизнинг ёрқин хотиралари, дил тубига чўккан орзу-армонлари, кувончлари Ҳанифа ая тилида яна бир бор қоғозга тўкилди.



(Давоми 4-саҳифада)

БИРДАМЛИК ТҮЙҒУСИ

ҲУМО БЎЛИБ БОШИМГА ҚЎНГИН!

Туркий элатлар тақвимида баҳорий тенгқунлик қадим-қадимдан улкан байрам сифатида нишонлаб келинади. Бугунги кун ўлчовларида эса ота-боболаримизнинг ўша анъаналари янада сайқалланиб, янада жозиба касб этиб, дунё халқларининг эътиборини ўзига тортаётган байрамлар қаторига кирмоқда.

Яхши нарса, яхши кунлар ҳеч қачон халқ хотирасидан ўчмайди. Яқин ўтмишда қатағонга учраган миллий байрамларимизнинг мустақиллик шарофати билан қайтадан қад ростилаб, умумхалқ байрамига айлангани бунинг яққол исботи бўлди. Ҳозирги кунда барча туркий халқларда бўлгани каби Туркманистонда ҳам Наврўз кенг кўлабда нишонланади. Ўтган йили Наврўз халқаро байрам деб эълон қилиниб, дунё миқёсида бу байрамга катта эътибор қаратилганидан хабарингиз бор, албатта.

Шубҳасиз, тўй-ҳашамлар, байрамлар халқни янада жипслаштириб, бирдамлик учун хизмат қилади.



(Давоми 3-саҳифада)

ТАКЛИФ

ЭСКИ АРАВА ИЗИДАН

Қирқ йил аввалги гап. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида йиғилишда бир олим "Озод Шарафиддинов мактабда ўзбек мумтоз адабиёти керак эмас, унинг ўрнига ҳозирги адабиёт ўқитилсин, деяпти. Бу қанақаси?" деб қолди. Ҳамма ҳайрон. Озод ака эса изоҳ бериш учун сўз олди.

— Мен бундай демаганман, қандай қилиб Навоий, Муқимий асарлари ўқитилмасин, дейиш мумкин?! Аксинча, классик сўз санъатимизни болалар яхшироқ англаши учун бир таклиф айтганим, аммо уни бу одам тушунмапти, — деди. — Гап шундаки, бизда адабиёт тарихи ҳам худди мамлакат тарихи каби, хронологик тарзда — энг қадимги даврлардан бошлаб асрлар оша бугунги кунга қараб ривожланиш тарзида ўргатилади. Бироқ ўтмиш адабиётимизнинг тили оғир, чуқки арабий-форсий сўзлар кўп. Болалар тушуниб олгунича

ўқув йили тугайди. Маса, қандай қилиб Навоий, Муқимий асарлари ўқитилмасин, дейиш мумкин?! Аксинча, классик сўз санъатимизни болалар яхшироқ англаши учун бир таклиф айтганим, аммо уни бу одам тушунмапти, — деди. — Гап шундаки, бизда адабиёт тарихи ҳам худди мамлакат тарихи каби, хронологик тарзда — энг қадимги даврлардан бошлаб асрлар оша бугунги кунга қараб ривожланиш тарзида ўргатилади. Бироқ ўтмиш адабиётимизнинг тили оғир, чуқки арабий-форсий сўзлар кўп. Болалар тушуниб олгунича

(Давоми 5-саҳифада)

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

Мақсадлари бир, удумлари муштарак

Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода билан суҳбат

— Ҳурматли элчи жаноблари, аввало, сиз орқали биродар тожик халқини Наврўз байрами билан қутлаймиз.

Ушбу айём сизу бизга аждодларимиздан мерос эзгу қадрият саналади. Биз бу куннинг тантаналарини сумалак учун бугун кўкартиришдан бошлаймиз. Хўш, Тожикистонда байрам қандай ўзига хослик билан бошланади?

— Ташаккур. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб Наврўз айёми билан бутун ўзбек халқини табриклайман. Бу байрам икки қўшни миллат учун бирдек қадридир. Тожикистонда ҳам Наврўз сумалаксиз ўтмайди. Бу анъана бежиз эмас, унинг чуқур рамзий маъноси бор, албатта. Баҳор умримизга янги нафас, ризқимизга янги тот билан барака олиб киради.

Тожикистон — баҳорнинг дарвозаси, деймиз биз. Чунки тоғли мамлакат бўлганимиз боис табиатимиз жуда гўзал. Тожик халқининг байрамбоши анъанаси эса баҳордаста ҳадиё билан ўзига хослик касб этади. Баҳордаста ҳадиё нима экан, деб ўйлаётгандирсиз? Мамлакат шимолида ёш-яланлар гулизебо, яъни баҳор даракчиси — бойчечак кўтариб хонадонма-хонадон киришса, жанубий ҳудуддаги ёшлар гуллаган ўрик шохчаси ва эндигина барг чиқарган мажнунтол новдасидан баҳорий гулдаста тайёрлаб, уйма-уй юришади.



Ёши катталарга баҳордаста бериб, кўнгилларини олишади. Бу Наврўз билан табриклаш маросими бўлиб, азалий удумимизга айланиб кетган. Шунингдек, бошқа байрамдош мамлакатлардан фарқли яна бир анъанамиз бор. Тожикларнинг байрам дастурхони "Неъматни ҳафти син ва шин" деб аталгучи, яъни "с" ва "ш" ҳарфи билан бошланган етти хилдаги рамзий таом ва буюмлар билан безатилади.

— Наврўз Тожикистон ва Ўзбекистон учун умумийлик касб этади. Маълум маънода уларни бир-бирига боғловчи яна бир ришта десак ҳам бўлади. Шундай эмасми?

(Давоми 2-саҳифада)

ҚАДРИЯТ



Бир халқни йўқотиш учун унга мансуб одамларни кириб ташлаш шарт эмас. Бунинг учун уни ўтмишдан айриришнинг ўзи кифоя. Янгича жамият байроғи "жаннатда ҳам топилмас" гўзал ҳаёт ваъдаси остида кечган совет замонида халқ пайдо бўлганидан бу ёғига мисоллаб йиққан, ҳали асрлар хизмат қилиши зарур маданий бойликларнинг кўпидан айрилдик-қолдик. Марҳум устозимиз, атоқли таржимашунос, профессор Ғайбулла ас-Салом ўкинч билан: "Биз ҳаммамиз чаламулламиз", деб тан олганларидек, миллатнинг омисидан уламсиғача ўз тарихини билиш бобида "алиф"ни "қалтак" деб кетаверадиган бўлиб қолган эди.

Шунинг учун Шарқ тугул, жаҳонни ҳам лол қолдириб келаётган инжудек ноёб бойлигимиз — қадим шеърятимизнинг қадрига кўп ҳам етавермаймиз, баъзан уни тушунмаймиз, гоҳида тушунтиролмайдимиз ҳам. Бунинг устига, "бир хил, бир хил" деб қоралаб, бизни ундан айнитиб ҳам қўйишган. Уқисак, кўпчилигимиз зерикамиз. Деярли ҳар байтда нотаниш сўзу тушунчалар учрайверса, шеър ўқиб, завқ олиш қийинроқ кечади ҳам-да.

Яшириб нима қилдик, совет даврида Навоий асарларидаги жуда кўп нозик нуқталарни тўғри, яъни аслидагидек шарҳлаш йиллар давомида зимдан тақиқлаб қўйилган эди.

(Давоми 5-саҳифада)



“МАНА, БУГУН НАВРЎЗИ ОЛАМ...”

Бошланиши 1-саҳифада.

– Абдулла Орипов Наврўз байрами кунини туғилган. Бунда ҳам бир ишора бор бўлса керак. Дарҳақиқат, даҳо шоиримиз ўзбек шеърятига баҳор нафасини олиб кирган. Бундан ташқари, ушбу сана “Бутунжаҳон шеърят кунини” сифатида ҳам нишонланади. У киши 1941 йилда – Алишер Навоийдан роппа-роса беш юз йил кейин туғилгани ҳам бежиз бўлмас керак. Бир сўз билан айтганда, Абдулла Ориповдек ҳассос шоир халқимизга Яратганининг бир тухфасидир. Сиз шоиримизнинг умр йўлдоши ва энг яқин маслаҳатгўйи сифатида қувончларини ҳам, изтиробларини ҳам бирга баҳам кўргансиз. Сизнингча, Абдулла Ориповнинг энг яхши хислати нимада эди?

– Абдулла аканинг табиатида жуда кўп инсоний фазилатлар жамланган эди. У киши бир қарашда оддий инсондек кўринарди, дўстларини, ростгўйликни, яхшиликни қадрлар, ниҳоятда болажон одам эди. Шоирнинг зукко нигоҳидан ҳеч ким илғамаган, бошқалар эътибор бермаган нарсалар ҳам четда қолмас эди. Бир гал мана шу гулларга ишора қилиб (ая қўллари билан кена-мўл ҳовли четида қатор териб қўйилган гулпуяклардаги турфа гулларни кўрсатади), “Абдулла ака, шу гулларга ҳеч эътибор берасизми?” деб сўраганимда, “Албатта, эътибор бераман” деб жавоб қилган ва ана шу хонаки гулларини ҳақида “Бирлашган гуллар ташкилоти” деган шеър ёзиб берганлар. Ушунда ҳазиллашиб, “Гулга ҳам сибсатни кўшдингиз-а”, деб қулганим эсимда.

Жуда синчи одам эди. Ички сезги, ҳиссиётлари кучли бўлгани учун у кишидан ҳеч нимани яшириб бўлмасди. Ҳаммасини сезиб турардилар. У кишига ёлгон гапиришнинг фойдаси йўқ эди. Мен бирор сирни яшириб, айтишга кўриб, довдираб турганимда, Абдулла ака бошқа йўл билан шу масалани өчишга ёрдам берардилар.

– Устоз баҳор ҳақидаги бир шеърда шундай деган:

*Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар қиради қалбимга манчм.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам.
Менинг Ўзбекистон – дилбар ватанчм.
Фақат сен қалбимга чўқтирмай малол,
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам утар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан!*

Умуман олганда, Абдулла Орипов шеърятинида навбахор, Наврўз ва кўк-лам жуда кўп васф этилган. Бундан чикди, устоз баҳорни жуда яхши кўрган эканлар-да?

– Абдулла ака баҳор ва куз фаслини жуда қадрлар эди. Ёз – баҳорнинг айнигани, қиш



са кузнинг айнигани, дерди ҳазил тариқасида... Баҳор – уйғониш, куз – пишиқчилик фасли. Барибир, баҳорга меҳри бўлакча эди. Эсимда, бир шоир йигит Абдулла ака ҳақида марсия ёзгани. Унда “Абдулла Орипов бу дунёга баҳорда келиб, кузда кетди” деган сатр бор. Бу ҳам Худойимнинг бир инояти бўлса керак-да, айланай... Бу дунёда ҳеч бир нарса бесабаб бўлмайди, тўғрими? Балки, бунда ҳам қандайдир рамзий маъно бордир...

21 март – Бутунжаҳон шеърят кунини деб эълон қилинганда ҳам у киши ҳайратда қолган эди. Ёдимда, туғилган кунлари эди, бир пайт телефон жиринглаб қолди. Шошлинч йиғилишга чақиришибди. Ушунда Абдулла акам уйдан чиқмай қўйган пайтлари эди. Уша кунини истар-истамас мажлисга кетди. Бир маҳал қайтиб келиб, “Ҳанифа, бугун мени ЮНЕСКОнинг мажлисига чақиришган экан. 21 март – Бутунжаҳон шеърят кунини деб белгиланибди. Лекин менинг хабарим ҳам, бунга алоқам ҳам йўқ эди. Рост айтяман, мени бунга алоқам йўқ”, деб тинмай ўзларини оқлашга уринарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди.

– Муштабид тузум даврида кўплаб қадриятларимиз қаторида Наврўз ҳам кескин қаршиликларга учраган. Сумалак биқирлаб турган дошқозонларни тепиб ағдариш, ҳатто тансиқ таомлар устига тупроқ сочиш ҳолатлари бўлган. Шоир ўша даврларни хотирлаб:

*Сен бизни кечиргин, эй Наерўзимиз,
Ғафлатда чалғиди ул кун кўзимиз.
Юзингга шاپалоқ тортиб юбордик,
Шўрпахта босамиз энди ўзимиз.*

– деган сатрларни алам билан битгани рост. Сиз шу ҳодисаларга бевосита гувоҳ бўлгансиз. Уша пайтдаги туйғуларини, изтиробларини, аламларини эслаш оласизми?

– Очиғини айтаман, мушқилликдан ке-

йин ўша “шўрпахта”ни биринчи бўлиб Абдулла ака ўзининг юрагига босган.

Абдулла ака ўн йиллар чамаси Муштақиллик ва Наврўз байрамлари сценарийларини ёзди. Уйда ижодкорлар йиғилиб, учтўрт ой Наврўзга тайёргарлик кўриларди. Уйимиз Ёзувчилар уюшмасининг росмана филиалига айланарди. Байрам дастури ҳар йили ўзгача бўлиши керак, бир-бирини такрорлашмаслиги шарт, деган талаб бўларди. Минг йиллик аъналаримиз, унутилиш ёқасида турган қадриятларимизни шеърга солишарди, куй басталатиб, саҳнага олиб чиқишарди. Наврўзнинг тарихи, яқин ўтмиши ва бугун ҳақида баҳслар бўларди. Мана сизга шўрпахта...

– Охириги йилларда Абдулла Орипов чет элда даволанган кезларида ёнида бўлгансиз. Уша пайтларда у киши асосан нималар ҳақида ўйлар, қайси мавзуларда гапирарди?

– Халқни жудаям кўп ўйларди. Ишдан бўшаганидан кейинги умрининг охириги етти йилида Абдулла ака уйдан чиқмади, ҳисоб. Бир умр халқ ичида юрган ижодкор учун бу осон эмас, албатта. Шунда ҳам эл-халқни ўйларди. Кейин мен таскин берган бўлиб, “Кўп сиқилманг, ҳаммаси яхши бўлади”, дердим. Хорижда юганида ҳам фақат Ватан келажиги ва равнақини ўйлаб изтироб чекарди. Ўзбекистонни бутун дунёга танитишни, байроғимиз дунёнинг ҳар бурчагига ҳилпирашини истарди. Аслида, ҳамма орзу-армонлари шеърларида мужжасам.

– Мана, бугун сунъий интеллект ҳақида кўп гапириляпти. Ваҳоланки, шоиримиз сунъий идрок, темир одам тўғрисида олтимиш йил олдин шеър битган. Инсон ҳиссиётлари, гўдак қулгиси, гул ифори, чақалоқ йиғисини қарибир темир одам ҳис қилмайди. Ёки мана “Генетика” шеърини олайлик:

*Мен ҳам яшайман ўз замонимда,
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ.
Ва лекин билмадим, менинг қонимда
Қайси бир бобомнинг хислати кўпроқ.*

Ўз илдизини излаётган қалбнинг тафтиши бу. “Мен асли кимман, қаердан келяпман, ўзбек халқининг авлодлари эртага ким бўлади?” деган масалаларни ўртага қўйган шоир. Бир қизиқ савол туғилади: Абдулла Орипов ўзини кимга мансуб ҳисоблаган – Навоийгами ёки соҳибқирон Амир Темурга?

– Кўпроқ Амир Темур авлодиданман, деб ҳис қилганлар ўзларини. Қашқадарёда туғилгани учун бўлса керак-да! Ўзбекистон ёшларини ҳам темурийлар деб атарди. “Ёшларга” деган шеърда шундай сатрлар бор:

*Олдда қутиб турар даврани сарвар,
Тафаккур то абад кўз билан қошки.
Зора шонинг чиқса боболар қадар,
Сенинг камолингни кўрсайдим, қошки.*



У киши ёшларимизга қарата, ҳеч бўлмаса, боболарингдек бўл, мен ҳам сизларнинг камолингизни кўрай, деб хитоб қилганлар. Афсуски, ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги адабиётни, хусусан, Абдулла Орипов ижодини кўнгилдагидек билмайди. Чинакам шоирларнинг китобларини кўпроқ чиқариб, мактабларга тарқатиш, асарларини таҳлили билан дарсликларга киритиш керак, деб ўйлайман.

– Давлатимиз раҳбари кўп давраларда Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов номларини эҳтиром билан тилга олиб, уларнинг адабиётимиз олдидаги хизматларига юксак баҳо берганлар...

– Абдулла ака Президентимиз билан жуда кўп мулоқотда бўлган. Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими бўлиб ишлаган вақтларида ҳам Абдулла акани ниҳоятда ҳурмат қилиб, вилоятда ўтказиладиган байрам ва тадбирларга, албатта, таклиф қиларди. Кейинчалик Абдулла аканинг Америкада даволанишига ҳам у киши бошқош бўлганлар. Бир сўз билан айтганда, у киши бизнинг оиламизга жуда кўп ёрдам берганлар. Илоҳим, дунё тургунча турсинлар.

Ҳозир Абдулла ака ҳаёт бўлганида қанийди! Лекин ишонасизми, мен учун у киши

ҳали-ҳануз тириклар. Мана шу уйда мен билан бирга ҳамнафас яшаётгандек туюлади. Баъзан тушимга қиради. Бирга шеърлар ёзамиз. У киши айтиб турадилар, мен қозоғга тушираман. Ҳа, мен учун Абдулла ака ўлмаган, у киши ҳаммиша юрагимда мен билан бирга яшайди.

– Наврўз байрами арафасида халқимизга қандай тилаклар айтган бўлардингиз?

– Аввало, Абдулла аканинг армонлари ушалганидан хурсандман. У киши Ўзбекистоннинг яхши кунларини кўришни истарди. Мана, ўша кунлар ҳам келди! У киши юртимизнинг ҳозирги равнақини кўриб боши осмонга етган бўларди, ислотларнинг ҳар бир меваси учун биттадан янги шеър битган бўлар эдилар. Таскин шуки, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётганидан руҳлари шод эканига ишонаман.

Тилагим шу, шоиримиз севган баҳор барча юртдошларимизга муборак бўлсин. У киши ардоқлаган жонажон Ватанимиз абадий гулларга буркансин! Абдулла Ориповни ардоқлаган инсонларни Худо ҳам ардоқлаб, доим азиз тусин!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

Лолазорга бурдим юзимни

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Уйғонувчи боғларни кездим,
Топаи дедим қирдан изингни.
Ёноғиндан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгирларда сакрайди оху,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан силқарилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

ЎЖАР ДҲУТХИР ВА ЧОРАСИЗ БЕМОР ҲАНГОМАСИ

Йиғлатиб беморнинг икки қароғин,
Кесиби ташладилар бир кун оёғин.

Бадан тарбияни севарди дўхтир,
Беморга: – Кезавер, – деярдди дўхтир.

Бемор ёлворарди: – Йўқ, деб оёғим,
Олиб қўйишганлар ҳатто таёғим.

Дўхтир уқтирарди: – Юргайсан, тамом,
Менинг гапим шулдир, бўлди, вассалом.

Не қиларин билмас бемор бечора,
Ўйлай-ўйлай топди охир бир чора:

У икки қўлида юра бошлади,
Дунёни тескари кўра бошлади.

Ўжар дўхтирдан-ку асрасин худо,
Авалло, оёқдан бўлмагин жудо.

Турфа хангомага тўлиқдир олам,
Учраб турар гоҳо шунақаси ҳам.

ОҒРИҚЛАРИМ

Яна оғриқ забтига олар,
Қисиб келар нафасинг оғир.
Чугур-чугур қилар болалар,
Набиралар бир этак, ахир.
Бири дейди: – Тинмасдан асло,
Ер юзида роса елгансиз.
Голландия ёқлардан, бобо,
Бизга пишлоқ олиб келгансиз.
Чиқиб кетай дейди тандан жон,
Ҳамма нарса гўё бемаъни.
Бир набирам сўрар: – Бобожон,
Ҳиндистоннинг мангоси қани?
Оғриқ етар сўнгги дамга ҳам,
Мисли ошим ошамаганман.
Шивирлайман: – Жим тургин, болам,
Мен ҳеч қачон яшамаганман.

ҚҮЁШ ВА ШАЪМ

Набирам Мумтозбеғимга

Абадият муҳри бор гўзаллик туйғусида,
Қудратин у йўқотмас ҳаттоки уйғусида.
Тобланиб юрса арзир қўёш нурида, аммо
“Хамса” яратса булар шаъмнинг ёғдусида.

ҲАМШИРА ҚИЗИМ БАРНОНИНГ ШЕЪРИ

Томиримни тополмай азоб бердингиз бир кун,
Оддийгина уколни қилолмадингиз, афсус.
Ҳамширалар қаҳатми сизларда, нима учун
Бизнинг Барно қизчалки бўлолмадингиз, афсус.

Ҳар қандай соҳанинг ҳам устаси бор, албатта,
Ўзларига буюрсин мактаб пиширган оши.
Эл аро маҳоратнинг қиймати эрур катта,
Баланд бўлса ҳам агар оладиган маоши.

Шифокорлар аҳлини кузатдим жуда узоқ,
Билмадим, деганларин эшитмадим мен асло.
Улар ҳам шоирларга ўхшаб кетаркан кўпроқ,
Ярмиси улуг бўлса, ярмиси буюк даҳо.

Бизларга керак асли жўнгина, оддий ҳаёт,
Ростгўй ва дабдабасиз, она сутидек ҳалол.
Ҳоҳида эсламаймиз, ким берди бизга нажот,
Мақтанчоқнинг дастидан топгаймиз лекин завол.

Уммонорти юртнинг булдири шифохонаси:
Муҳташам қасрлардан қолишмайди у сира.
Эътирофим айтайин, келди гапнинг хонаси,
Бу ерда етишмайди Барно деган ҳамшира.

Хьюстон, 19.09.2016.

